

ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМИНИ МУСТАҚИЛ УЮШГАН САЙЁҲЛАР СЕГМЕНТИГА МОСЛАШТИРИШ

Ибрагимов Нутфилло Салимович,
БухДУ докторанти, и.ф.н.
E-mail: ibragimov.nutfillo@mail.ru

Аннотация: Мақолада уюштирилган ва уюштирилмаган сайёҳлар сегменти қиёсий таҳлил қилинган ҳамда Ўзбекистон туризмнинг жозибadorлигини мустақил уюшадиган сайёҳлар назарида ошириш йўллари илмий асосланган.

Аннотация: В статье проведен сравнительный анализ организованного и неорганизованного сегментов путешественников, а также научно обоснованы пути повышения привлекательности Узбекистана с точки зрения самостоятельных туристов.

Abstract: In the article is carried out a comparative analysis of the organized and unorganized segments of travelers, and scientifically substantiated ways of increasing the Uzbekistan's tourism attractiveness from do-it-yourself tourist's point of view.

Калит сўзлар: уюштирилган туризм, уюштирилмаган туризм, сегмент, туристик хизмат, жозибadorлик, рақобатбардошлик, рақамли тафовут.

Кириш

2017 йил 4 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг Консуллик йиғимлари тарифига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 3 февралда “Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорлари қабул қилиниб, натижада 2018 йилга қадар мамлакатимизга фақат 9 та давлатдан келадиган саёҳатчиларда визасиз кириш имконияти бўлган бўлса, 2018 йилнинг 10 февралдан уларнинг сони 16 тага етди. Улар қуйидагилар: Озорбайжон, Арманистон, Грузия, Белорусия, Қирғизистон, Қозоғистон, Молдова, Россия, Украина, Индонезия, Исроил, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Туркия, Япония. Бундан ташқари, 52 та мамлакатга нисбатан визаларни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартибига ўтилди. Ушбу тартибга кўра, мамлакатимизга саёҳатни режалаштираётганлар кириш визасини олишлари учун туристик ваучер, таклиф қилаётган юридик ёки жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар Вазирлигига мурожаат қилиши талаб этилмайди. Виза сиёсатининг юмшатилиши эвазига биринчидан, мамлакатнинг халқаро очиклиги яхшиланган

бўлса, иккинчидан, саёҳатини мустақил ташкил қиладиган туристлар назарида Ўзбекистон жозибadorлиги янада ошди.

Айтиш жоизки, айна кунгача Ўзбекистонга келишни режалаштираётган сайёҳларнинг аксарияти ресептив туроператорга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Юқорида тилга олинган Президент қарорлари қабул қилингандан сўнг, сайёҳларни вужудга келтирувчи етакчи мамлакатлардан мустақил уюшган сайёҳлар сони кескин ошиб кетишига ишончимиз комил. Ушбу тадқиқотда мустақил уюшган сайёҳлар нигоҳида Ўзбекистон туристик ҳудуди жозибadorлигини оширишнинг назарий жиҳатлари илмий асосланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Сайёҳлар оқими шаклланишининг 1) инициатив туроператор, 2) ресептив туроператор, 3) хизматларни банд (reservation) ва харид қилиш (booking) тизимлари ҳамда 4) миллий ва маҳаллий туризм порталлари моделлари мавжуд [1]. Инициатив ва ресептив туроператорлар воситачилигида шаклланган сайёҳлар оқими **уюштирилган туристлар** сирасига киритилса, банд қилиш тизимлари ёки миллий ва маҳаллий туризм порталлари орқали шаклланганлар **уюштирилмаган туристлардир** [2].

Жаҳон миқёсида саёҳатни мустақил уюштирадиган туристлар сонининг барқарор ўсиш тенденцияси кузатилиб, мамлакат туризм соҳаси жозибadorлиги, туристик ҳудудларда хизматларни банд ва харид қилиш тизимларининг жорий қилинганлигига боғлиқдир. *Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши туризмнинг маркетинг, сотиш каналлари ва саёҳатга оид хизматларни истеъмол қилиш жараёнида қўшиладиган қиймат занжирининг кескин ўзгаришларига олиб келди* [3]. *Банд ва харид қилишнинг миллий тизимлари жорий этилмаган туристик ҳудудлар ўз хизматларини тарғибот қилиш ва сотиш жараёнида ташқи воситачиларга боғланиб қолиб, туризм томонидан яратилган қўшилган қийматнинг номутаносиб тақсимланишига сабаб бўлмоқда* [4]. *Замонавий рақамли асрда туризмни давлат миқёсида барқарор ривожлантиришнинг муҳим шарти, туризм таклиф тизими ахборот маконида “рақамли тафовутдан” холи бўлиш механизмларини жорий қилишни талаб этади* [5]. Яъни, саёҳатни мустақил уюштирадиган туристлар нигоҳида Ўзбекистоннинг жозибadorлиги саёҳат жараёнида рақамли воситаларнинг жорий қилинганлик даражаси ҳамда улар афзал кўрадиган хизмат турларининг жорий қилинганлигига боғлиқ бўлиб, уюштирилган ва мустақил уюшган сайёҳлар сегменти хусусиятларини илмий асослашни талаб этади.

Тадқиқот методологияси

Ўзбекистон туризмни мустақил уюшган сайёҳлар сегментига мослаштириш муаммосини тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги методологиялардан фойдаланилди:


1. Уюштирилган ва мустақил уюшган туристларнинг турли хизматлардан фойдаланишга мойиллигининг қиёсий таҳлили амалга оширилди.

2. Эмпирик кузатувлар ҳамда дала тадқиқотлари натижасида олинган маълумотлар асосида, мустақил уюшган сайёҳларнинг қадриятлар тизими аниқланиб, улар томонидан саёҳат давомида истеъмол қилинадиган хизмат ва маҳсулотлар аниқланди.

3. Дала тадқиқотлари натижасида, Бухоро туристик ҳудудида уюштирилмаган сайёҳларга мослашган хизмат ва маҳсулотларнинг жорий қилинганлик даражаси аниқланди.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон туризм ташкилотининг методологиясига биноан барча мамлакатларнинг **халқаро очиқлиги** 4 кўрсаткич (*виза олиш талаб этилмайди, анъанавий кириш визаси мавжуд, мамлакатга кириш жараёнида бериладиган виза, электрон виза*) асосида амалга оширилади. 2015 йилда 61% дунё аҳолисига туристик ҳудудларга анъанавий кириш визаларини олиш талаб этилган бўлса, 18% саёҳатчилар саёҳатни уюштирмоқчи бўлган мамлакатга визасиз кириш имконига, 15% визани киришда ва 6% электрон виза олиш имкониятига эга бўлишган [6]. 2010 ва 2015 йиллар оралиғида 54 та мамлакат ўз виза сиёсатини юмшатиб, 30 ва ундан ортиқ давлатдан келадиган сайёҳлардан “анъанавий виза” талабидан “электрон виза”, “давлатга киришда бериладиган виза” ёки “визасиз кириш” сиёсатиغا ўтишга эришганлар [6].



1-чизма. Мамлакатларнинг халқаро очиқлик Индекси.

Манба: World Tourism Organization (2016), Visa Openness Report 2015, UNWTO, Madrid.

2015 йил ҳолатига кўра, Марказий Осиёнинг энг “очиқ” давлатлари сирасига Тожикистон киритилган бўлиб, жаҳондаги вазиятни 1-чизма орқали кўриш мумкин. Тўқ ранглар давлатнинг халқаро очиқлик даражаси ўта паст ва очиқ ранглар эса унинг юқориликни билдиради. Айтиш жоизки, 2018 йилнинг 10

февралдан Ўзбекистоннинг ҳалқаро очиқлик даражасида ижобий ўзгаришлар амалга ошди.

Ўзбекистоннинг ҳалқаро очиқлик даражаси ошиши натижасида ҳанузгача эътибор берилмаётган йирик туристлар сегменти, яъни **саёҳатини мустақил ташкил этадиганлар сони кескин ошиши муқаррар**. Ушбу сегмент назарида Ўзбекистон жозибадорлигини ошириш мақсадида, уларнинг ўзига хос томонларини, афзал кўрадиган товар ва хизмат турларини аниқлашни тақозо этади.

Фикримизча, мустақил уюшган сайёҳлар қуйидаги хусусиятларга эга:

- бир-бирини узоқ йиллар таниб, кичик гуруҳларда саёҳат қилишни хуш кўрадиган инсонлар;

- туристик ҳудуднинг узоқ-яқинлигига қараб, ўз транспорт воситасида, самолётда учиб келгандан сўнг транспорт воситасини ижарага олишни маъқул кўрувчилар;

- асосий хизматлар (*меҳмонхона, транспорт, диққатга сазовор жойларга кириш билетлари*)ни онлайн банд қилиш ёки харид қилиш тизимларидан кенг фойдаланишга мойил кишилар;

- виза олиш талаб этилмайдиган, мамлакатга киришда виза олинмайдиган ёки электрон виза олиш имкони яратилган мамлакатларни танлашга мойил инсонлар;

- саёҳат дастури аниқ бўлмаган, вазиятга қараб туристик йўналишларини ўзгартиришга тайёр бўлган кишилар;

- ижтимоий жиҳатдан фаол ва ижтимоий тармоқлардаги маълумотларга таяниб қарор қабул қилувчи саёҳатчилар;

- тадбирлар (*спорт, маданий, гастрономик ва бошқалар*)да қатнашиш мақсадида саёҳатга чиқувчилар ва ҳ.к.з.;

Туроператорлар хизматидан фойдаланишни хоҳламайдиган сегмент *намояндлари турли тадбирлар (спорт, фестивал)да қатнашиш мақсадида саёҳатга чиқиб, транспорт воситаларини ижарага олишни, шахсий транспортларни тураргоҳларда сақлашни, кемпинглардан фойдаланишни, тез ва йўл-йўлакай тановул қилишни (фаст фуд), диққатга сазовор жойларга яқин турган кафе ва барларда ҳордиқ чиқаришни, кўп қаватли уйлардаги хонадонларни ижарага олишни, ҳостелларда яшашни афзал кўриб, кўп ҳолларда аниқ режага эга бўлмасдан саёҳат қилувчилардир.*

Турпакетлар сотиб олиб саёҳат қилувчилар ва туроператор хизматини инкор қилувчи сайёҳлар ўртасидаги фарқни ҳамда улар томонидан истеъмол қиладиган хизматларнинг Бухоро туристик ҳудудида жорий қилинганлик даражасини аниқлаш мақсадида, ушбу икки сегмент ўзаро қиёсий таҳлилини амалга оширдик. Таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Уюштирилган ва мустақил уюшган туристларнинг турли хизматлардан
фойдаланишга мойиллигининг қиёсий таҳлили
(Бухоро туризм ҳудуди мисолида)**

Хизмат тури	Фойдаланишга мойиллик		
	Уюштирилган сайёҳлар	Мустақил уюшган сайёҳлар	Хизмат жорий қилинганми?
Анъанавий гид хизмати	Юқори	Паст	Ҳа
Инновацион гид хизмати	Паст	Юқори	Йўқ
Ресторан хизмати	Юқори	Паст	Ҳа
Фаст фуд хизмати	Паст	Юқори	Қисман
Аҳоли транспорт хизмати	Мавжуд эмас	Юқори	Ҳа
Транспортни ижарага бериш	Мавжуд эмас	Юқори	Йўқ
Велосипед ва бошқа экологик транспорт воситаларини ижарага бериш	Паст	Юқори	Қисман
Шахсий транспортда саёҳат қилиш	Мавжуд эмас	Юқори	Ҳа
Кўп сиғимли ер транспорт хизмати	Юқори	Мавжуд эмас	Ҳа
Кемпинг хизмати	Паст	Юқори	Йўқ
Транспорт тураргоҳлари	Мавжуд эмас	Юқори	Қисман
АЁҚШ хизмати	Мавжуд эмас	Юқори	Ҳа
Йирик меҳмонхона занжирлари хизмати	Юқори	Паст	Қисман
Кичик меҳмонхона хизматлари	Паст	Юқори	Ҳа
Ҳостел хизмати	Мавжуд эмас	Юқори	Қисман
Уй ва хонадонларни ижарага бериш хизмати	Мавжуд эмас	Юқори	Йўқ
Супер ва минимаркет хизматлари	Паст	Юқори	Ҳа
Халқаро тўлов карталари орқали савдо қилиш	Паст	Юқори	Қисман
Банкомат хизмати	Паст	Юқори	Қисман
Кириш визаларини олишда кўмаклашиш хизмати	Мавжуд эмас	Юқори	Ҳа
Туроператор хизмати	Юқори	Мавжуд эмас	Ҳа
Бронлаш тизимлари хизмати	Мавжуд эмас	Юқори	Ҳа
Геоахборот тизимлари хизмати	Мавжуд эмас	Юқори	Йўқ
Сайёҳларга маълумот бериш хизматлари	Паст	Юқори	Йўқ
Электрон киоск хизматлари	Паст	Юқори	Йўқ
Wi-Fi хизмати	Паст	Юқори	Йўқ
Туризм полицияси хизмати	Паст	Юқори	Ҳа

Хулоса ва таклифлар

Уюштирилган ва мустақил уюшган туристлар турли хизматлардан фойдаланишга мойиллигининг қиёсий таҳлили ҳамда Бухоро туризм ҳудудида жорий қилинган хизмат турларини тадқиқ қилиш натижасида, аниқ хулосаларга

келиб, Ўзбекистоннинг жозибadorлигини уюштирилмаган сайёҳлар назарида оширишга оид қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Асосий хизматлар, яъни меҳмонхона, ресторан, авиа ҳамда темир йўл транспорти, диққатга созовор жойларга кириш билетларини онлайн банд қилиш ёки харид қилиш тизимлари хизматидан кенг фойдаланиш имкониятини берадиган восита ва миллий тизимларини жорий қилиш зарур.

1. Мустақил уюшадиган сайёҳлар анъанавий гид хизматлари билан бирга инновацион гид хизматларидан фойдаланишга мойил бўлиб, аудио гид, музейдаги инфокиосклар, мобил иловалар орқали гид хизматига эга бўлишни афзал кўргани учун, ушбу хизматларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

2. Уюштирилган сайёҳлардан фарқли равишда, мустақил уюшадиган туристлар йўл-йўлакай овқатланади; диққатга созовор жойларда яқин турган кафе ва барлар хизматидан фойдаланишни хуш кўрганини эътиборга олиб, айти турдаги умумовқатланиш шаҳобчаларини (*фаст-фуд*) жорий қилиш тавсия этилади.

3. Шахсий, ижарага олинган транспортларда саёҳат қилишларини эътиборга олиб, туристик ҳудудларда автотураргоҳлар ва кемпинглар жорий қилиш зарурати туғилган.

4. Ҳамёнбop жойлаштириш муассасалари хизматидан фойдаланишга мойил туристлар сони кескин ошиши натижасида, яқин келажакда миллий уй, хонадонларни ижарага олиш ва ҳостелларга эҳтиёж юқори бўлади ва шу турдаги хизматларни янада кўпайтиришни тақозо этади.

5. Мустақил саёҳат қилиш жараёнида туристик маълумотларга эга бўлиш белгиловчи аҳамият касб этиб, инфокиосклар, йўлкўрсаткичлар, геолокация тизимлари ва туризм полицияси хизматларидан кенг фойдаланишга эҳтиёж янада ўсиб боради.

6. Халқаро тўлов карточкалари қабул қилинадиган терминалларни ҳамда банкоматларни сайёҳлар гавжум жойларда жорий қилиш талаб этилади.

Юқорида тилга олинган ҳолатлар бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш эвазига 52 мамлакат билан соддалаштирилган виза тартиби ҳамда 16 та давлат билан визасиз киришдан фойдаланиб келадиган мустақил уюшган сайёҳлар назарида мамлакат жозибadorлигининг ошишига ҳамда Ўзбекистон саёҳат ва туризм рақобатбардошлигининг юқори бўлишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ибрагимов Н.С., Ўзбекистонда туризм оқимининг шаклланиш модели ва тенденциялари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил.

2.Б.Н.Навруз-Зода таҳрири остида. Туристик ҳудуд рақобатбардошлиги. “Дурдона” нашриёти Бухоро – 2017. 156 бет.

3.Gretzel, U., Y. L. Yuan, and D. R. Fesenmaier (2000). “Preparing for the New Economy: Advertising Strategies and Change in Destination Marketing.” *Journal of Travel Research*, 39 (2): 146-56.

4.Minghetti, V., & Buhalis, D. (2010). Digital Divide in Tourism. *Journal of Travel Research*, 49(3), 267-281.

5.Ибрагимов Н.С., Мамлакат доирасида туризмнинг уч маконли тизимли таҳлили. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил.

6. World Tourism Organization (2016), *Visa Openness Report 2015*, UNWTO, Madrid.